

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЯҚУЛОВ НУРБЕК АБДУҒАППОР ЎҒЛИ

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СПОРТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎК: 811.512.133'373.46:796
811.111'373.46:796

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Аякулов Нурбек Абдуғаппор ўғли

Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг қиёсий-типологияк
тадкиқи3

Аякулов Нурбек Абдуғаппор ўғли

Сравнительно-типологияк исследование спортивных терминов
в английском и узбекском языках31

Ayakulov Nurbek Abdugappor ugli

Comparative-Typological Study of Sport Terms in the English and Uzbek
Languages59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works64

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЯҚУЛОВ НУРБЕК АБДУҒАШПОР ЎҒЛИ

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СПОРТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil727 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аҳмедов Ойбек Сапорбаевич
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Тўхтасинов Илҳом Мадаминович
педагогика фанлари доктори, профессор

Саримсоков Хуршид Абдималикович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг «18» ИЮН 2021 йил соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.)

Диссертация автореферати 2021 йил «5» ИЮН кун тарқатилди.
(2021 йил «5» ИЮН даги 8 рақамли респ. баённомаси)



Г. Х. Бакиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Х. Б. Самигова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Ж. А. Якубов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятида бугунги пандемия даврида спортнинг турли йўналишларини ривожлантириш реал эҳтиёжга айланди. Натижада ҳар бир давлатда миллий тил хусусиятига эга бўлган спорт терминологияси янада такомиллашмоқда ва халқаро терминларнинг истеъмолга кириши ҳисобига бойиб бормоқда. Юқоридаги омиллар спорт терминларини ва лексик бирликларини тизимлаштириш ва тартибга солиш заруратини келтириб чиқарди. Шу жиҳатдан тил ва жамиятнинг узвий боғлиқлиги, уларнинг динамик ва тўхтовсиз ўзгаришларга учраши, соҳага янги термин ва лексемаларнинг мунтазам ўзлаштирилиши тилшунослик соҳасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон тилшунослиги илмида спорт соҳасига оид термин ва лексемаларни инглиз ва ўзбек тиллари кесимида қиёсий-типологик таҳлил қилиш мазкур тилларнинг ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий омилларни ҳамда икки тил терминологиясининг фарқли ва ўхшаш хусусиятларини аниқлаш имконини бермоқда. Дунёнинг кўплаб таълим муассасалари ва тадқиқот марказларида, хусусан, Рус лингвистик мактаби, Австралиянинг Систем-функционал тилшунослик мактаби, Буюк Британиянинг Амалий тилшунослик/махсус мақсадлар учун инглиз тили йўналиши, АҚШнинг Мичиган штати Тилшунослик муассасасида спорт терминологияси билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, спортга оид кўп қатламли лексемаларни тизимлаштириш (мақбуллаштириш), тўғри таржима қилиш, тартибга солиш каби илмий масалаларга муносиб ечим топишни тақозо қилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда чет тилларни ўрганиш тизимини, фан ва таълимни амалиёт билан узвий интеграцияси жараёнларини такомиллаштириш, халқимизнинг маънавий қадриятини ифодаловчи ўзбек тили спорт терминларининг лисоний хусусиятлари тарихий негизларини илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда инглиз тили билан чоғиштира тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Тараққиёт тамойилларига асосланган ҳолда «... илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹га бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳозирги кунда турли тизимли тилларни чет тилидаги касбий терминларнинг тилшунослик мезонлари асосида ўргатиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон «Спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – 6-сон. 70-модда.

3 июндаги ПҚ-3031-сон «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги 542-сон «Давлат таълим муассасалари ҳузурида спорт клубларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 3 июндаги 454-сон «Жисмоний тарбия ва спорт ягона ахборот тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган касбий фаолият, таълим сифатини ошириш билан боғлиқ қатор вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида спорт терминологияси масалалари бўйича бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу йўналишда В.Д. Швайко, Р.В. Попов, М.А. Аднан, Р.В. Вайнз, Е.И. Гуреева, М. Мешч, П. Вайт, З. Мирзоев² каби хориж олимлари ҳамда Ю.С. Шоломицкий, Р. Исмоилов, М. Норкин, Х.Т. Рафиев, М.Х. Бобоёров, З.А. Абдуллаева, Х.А. Саримсаков³ каби ўзбек олимлари тадқиқотлар олиб боришган.

Тилшуносликда терминологияга оид назарий қарашлар ва қонуниятлар Д.С. Лотте, Г.О. Винокур, А.А. Реформатский, Е.Д. Поливанов, Р.А. Будагов, Н.Н. Амосова, А.Д. Хаютин, Б. Брайсон, Х. Сонневелд, Р. Дониёров, О.С. Ахмедов, Х.Д. Палуанова, Д.Х. Кадирбековалар⁴ томонидан янада

² Швайко В.Д. Лингвостилистические особенности фразеологических единиц образованных от сверхсловных спортивных терминов и профессионализмов (на материале современного английского языка). Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1984. – 290 с.; Попов Р.В. Русская спортивная терминология: На материале баскетбольной терминсистемы. Дисс. ... канд. филол. наук – Северодвинск, 2003. – 168 с.; Аднан М.А. Языковые новации и речевые изменения в русской спортивной лингвокультуре XXI века. Дисс. ... канд. филол. наук – Курск, 2013.; White P. Chambers Sport Factfinder. – Edinburg: Chambers. – 2005.– P. 786.; Мирзоев З. Спортивные термины в таджикском и английском языках. Дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2005. – 210 с.; Гуреева Е.И. Спортивная терминология в лингвокогнитивном аспекте. Дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2007. – 176 с.; Mesz M. Lexicological view of the language of the sport commentaries. – Českě Budyě jovice. 2014. – P.144.; Wines R.W. Sporting Frenchness: Nationality, Race, and Gender at Play. A dissertation for the degree of PhD. – Michigan University, 2010. – P. 223.

³ Шоломицкий Ю.С. Физическая культура и спорт в советской Средней Азии и сопредельных странах востока. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М, 1972. – 25 с.; Исмоилов Р., Норкин М. Русча ва ўзбекча спорт-физкультура терминлари изоҳли лугати. – Тошкент, 1961. – 95 б.; Рафиев Х.Т. Некоторые вопросы преподавания физической культуры в Узбекских школах. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. – 25 с.; Бобоёров М.Х. Мустақиллик даври спорт атамаларининг шаклланиши. Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2009. – 22 б.; Саримсаков Х.А. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиштирма тадқиқи. Филол. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 48 б.

⁴ Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии / Татаринов В.А. История отечественного терминоведения. Т. I. Классики терминоведения. Очерк и хрестоматия. – М.: Московский лицей, 1994. – С. 218-284; Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. – Ташкент, 1934. – 182 с.; Реформатский А.А. Мысли о терминологии // Современные проблемы русской терминологии. – М., 1976. – С. 56-275.; Будагов Р.А. Человек и его язык. –

ривожлантирилди. Мазкур соҳада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганига қарамай, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Бу эса терминология муаммосини янги ёндашувлар асосида тадқиқ этишни тақозо этади. В.Д. Швайконинг илмий изланишлари инглиз тилидаги спортга оид фразеологик birlikларнинг тадқиқига бағишланган бўлса, Р.В. Вайнзнинг тадқиқотларида эса инглиз тили спорт лексикаси таркибидаги французча ўзлашмаларнинг лингвостатистикаси ва семантик хусусиятлари атрофлича ўрганилган.

Ўзбек тилшунослигида М.Х. Бобоёров спорт терминологик тизимининг ўзбек тилининг ички имкониятлари ҳамда ташқи омиллар асосида ривожланиш жараёнларини, Х.А. Саримсоков инглиз ва ўзбек тиллари спорт терминларининг шаклланиш хусусиятлари ҳамда спортга оид фразеологик birlikларнинг термин сифатида хосланишини, Н.Б. Кулдашева эса француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ этган.

Мазкур тадқиқотнинг юқоридаги илмий ишлардан фарқи шундаки, спорт терминологик birlikларининг бугунги кундаги қўлланиши, хусусан, ҳозирги кун учун муҳим амалий аҳамият касб этаётган инглиз ва ўзбек тиллари кесимида қиёсий-типологик аспектдаги лингвистик жиҳатлари, шаклланиш тарихи, ясалиш усуллари, лексик birlikларнинг стилистик ва функционал хоссалари, дискурсдаги таржима муаммолари, лексикографик тамойиллари каби масалалар махсус монографик йўсинда ўрганилаётганидир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № И-204-4-5 «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги спортга оид термин ва лексемаларнинг структур-семантик, деривацион, стилистик ҳамда функционал хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тили спорт терминларининг этимологик хусусиятларини ўрганиш;

М.: МГУ, 1976. – С. 176.; Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Ленинград: ЛГУ, 1963. – 360 с. Bryson B. Made in America. – William Morrow, 1994. – P. 27.; Sonneveld H., Loenning K. Introducing terminology, in Terminology. 1994. – P. 1-6.; Дониёров Р. Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёти. – Тошкент: Фан, 1986. – 247 б.; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ ва божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол.фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 25 б.; Палуанова Х.Д. Экологик терминларнинг деривацион-семантик хусусиятлари (ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тиллари мисолида). Филол.фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 88 б.; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникацияси технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари. Филол. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 44 б.

инглиз тили спорт терминларининг ўзбек тилидаги муқобилларини топиш;

инглиз ва ўзбек тили спорт терминларининг деривацион (аффиксал, морфемик-морфологик, лексик-семантик, функционал-семантик, синтактик ва аралаш усуллар орқали ясалишини очиб бериш) ҳамда семантик деривацияси хусусиятларини тадқиқ этиш;

инглиз ва ўзбек тили спорт терминларининг таржимада функционал-семантик хусусиятларини ўрганиш;

инглиз ва ўзбек тилларида фаол қўлланиладиган спорт термин ва лексемаларини қиёсий-типологик таснифлаш, ўзлашган байналмилал терминларни таҳлил қилиш;

спорт соҳаси амалиётида қўлланиладиган терминологик бирликларни антонимия, синонимия, гипер-гипонимик ҳодисалари нуқтаи назаридан очиб бериш;

чоғиштирилаётган тилларда спортга оид дискурс ва таржима хусусиятларини очиб бериш;

инглиз ва ўзбек тиллари спорт дискурсида эмотив-номинатив, эмотив-ассоциатив, эмотив-экспрессив семантик категорияни ташкил қилувчи турли компонентли спорт терминларининг берилиши, қўлланиш частотасига мувофиқ фаоллик даражасини асослаш ҳамда миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларига оид спорт терминлари ҳамда лексемалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги спортга оид термин ва лексик бирликларнинг чоғиштирма аспектдаги структур-семантик, деривацион ва стилистик хусусиятлари белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лингвистик тавсифлаш, қиёсий-типологик (чоғиштирма), тарихий-этимологик, компонент ҳамда лингвостатистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили спорт лексикасининг халқаро спорт терминосистемаси билан ҳамоҳанг бўлган ҳар икки тилга оид спорт терминологик майдони, лисоний шакли, дефиницияси ва мураккаб тузилиши каби лингвистик мақомлари қиёсий-типологик ва структуравий методлар орқали исботланган;

спорт терминосистемасининг иерархик тарзда ташкил қилинган тузилма сифатида фаолият кўрсатишида спорт терминлари элементларининг ўзаро парадигматик ва синтагматик муносабатда бўлиши *language in absentia* ва *language in praesentia* тамойиллари асосида аниқланган;

спорт соҳасига оид терминологик луғатларда бевосита ва билвосита «спортга хос» яхлитловчи сема асосида бирлашган сўз, шакл ва бирикма терминлари бир термин-лексемага тенглаштирилган ҳолда «хусусийлик-умумийлик» ва «тур-жинс» тамойилига асосан изоҳланиши лозимлиги исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг содда, қўшма, жуфт, қисқартма, икки ёки бир нечта узви каби формал-структур белгиларини ажратиш орқали уларнинг бирикмалар, термин-лексемалар ва бирикма терминлар тарзида ифодаланиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминологик бирликларининг шаклланиш хусусиятлари (асл/туб термин, ясама термин, ўзлашма термин, интертермин)ни чоғиштирма аспектда ўрганиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг ички ва ташқи омиллар асосида шаклланиши, такомиллашув жиҳатлари, қиёсий-типологик тадқиқи орқали чиқарилган хулосалар спорт соҳаси бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг ясаилишидаги интеграл ва дифференциал хусусиятлар аниқланиб, терминологик бирликлар таржимаси билан боғлиқ қийинчиликлар ҳамда ғализликларни бартараф қилиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар, назарий маълумотларнинг ишончли ва аниқ манбаларга асосланганлиги, таҳлилда аниқ далилий материалларга таянилганлиги, диссертация мавзуси юзасидан республика, халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги, назарий хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чоғиштирилаётган тиллардан олинган таҳлил натижалари спортга оид терминларнинг тилдаги ўзига хос мавқеини кўрсатиб беради ва қиёсий терминология соҳасининг тадқиқот тамойилларини янада бойитиши, диссертацияда келтирилган англиз ва ўзбек тиллари спорт терминлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар бошқа терминологик тизимларни тадқиқ этишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот материаллари ва хулосаларидан спорт этикаси, терминшунослик, лингвистика, лексикология, лексикография, терминография фанлари бўйича маъруза курслари, семинар машғулотларини ишлаб чиқишда ҳамда олиб боришда, дарслик, ўқув қўлланмалари ёзишда, терминологик луғатлар тузишда амалий манба вазифасини бажариш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг ўзига хос лингвистик хусусиятларини очиб беришда олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиштирма деривацион тамойилларини аниқлаш орқали уларнинг лексик-семантик, структур, функционал-семантик ва синтактик усулда ясалишини очиб бериш, аффиксал, морфемик-морфологик моделларини ишлаб чиқишга доир илмий-назарий хулосалардан Давлат илмий-техник дастурлари доирасида 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-63 рақамли «Билим ила нур-таълим тизимида хорижий (инглиз) тили йўналишидаги кўриш имконияти чекланган ўқувчиларга ўрта махсус таълим муассасаларига мўлжалланган умумевропа компетенцияларига жавоб берадиган ўқув-услубий мажмуа яратиш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида 6-синф ўқувчилари (инглиз тили) учун яратилган «Light Up pupil's book» номли ўқув қўлланма мавзуларида спорт терминологиясига оид лексик бирликларни қўллаш ва спорт дискурсига оид мавзуларни ёритишда кенг фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 26 январдаги 89-03-455-сон маълумотномаси). Натижада ушбу амалий лойиҳа доирасида яратилган дарслик ва ўқув қўлланма спорт терминологиясига оид янги илмий далиллар билан бойитилган;

инглиз ва ўзбек тиллари спорт дискурсида эмотив-номинатив, эмотив-ассоциатив, эмотив-экспрессив семантик категорияларни ташкил қилувчи турли компонентли спорт терминларининг берилиши, қўлланиш частотасига мувофиқ фаоллик даражаси ҳамда миқдорий кўрсаткичларини аниқлашга оид хулосалардан Маданият Вазирлигининг 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 01-12-01-41-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилишига доир илмий-назарий хулосалар «йўл харитаси»нинг истиқболли режасини ишлаб чиқиш имконини берган;

чоғиштирилаётган тилларда спорт терминологияси интегратив аспектда лексик-семантик ва мавзуй гуруҳларга ажратиб таснифланганлиги, инглиз тили спорт терминологияси асосида ўзбек тилида айна соҳа терминларини тартибга солиш, икки тилли, изоҳли ва тезаурус луғатлар тузишнинг лингвистик тамойилларини, услубий ёндашувларини такомиллаштиришга доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Республика илмий-амалий инновацион маркази ва Британия Кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик доирасидаги 87-04-1622 рақамли EnSPIRE-U «English for Specific Purposes, Integrated Reforms in Uzbekistan» (Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш тизимини ислоҳ этиш) лойиҳасида ESP (Махсус мақсадларга йўналтирилган хорижий тил)га ўқитиш бўйича электрон луғат яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий инновацион марказининг 2021 йил 11 январдаги 10-05/05-сон маълумотномаси). Натижада диссертация материалларидан бир қатор йўналишлар бўйича

соҳавий терминларни ўз ичига қамраб олган ўзбекча-русча-инглизча электрон луғатида фойдаланиш имконияти йўлга қўйилган;

инглиз ва ўзбек тиллари спорт терминологиясида антонимия, синонимия, гипер-гипонимик муносабатларнинг чоғиштирма-типологик аспектда очиб берилиши спорт терминларини қайта номинациялаш ва янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилишига доир илмий хулосалардан Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган ва Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2020-2021 йилларга мўлжалланган ФЗ-201908172 рақамли «Ўзбек тилининг таълимий корпусини яратиш» мавзусидаги инновацион тадқиқот лойиҳаси доирасида спортга оид мавзуларни ёритишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги 05-15/5305-сон маълумотномаси). Натижада ушбу инновацион лойиҳа доирасида яратилган ўзбек тилининг таълимий корпуси спорт соҳасига оид илмий далиллар билан бойитилган;

инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминологияси интегратив аспектда лексик-семантик ва мавзуй гуруҳларга ажратиб таснифланганлиги, инглиз тили спорт терминологияси асосида ўзбек тилида айна соҳа терминларини уйғунлаштириш, икки тилли, изоҳли ва тезаурус луғатлар тузишнинг лингвистик тамойилларини такомиллаштиришга доир илмий ва назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида давлат илмий техник дастурлари доирасида 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-018 рақамли «Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳасида манба сифатида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 30 январдаги 89-03-554-сон маълумотномаси). Натижада терминлар атов бирликларининг луғатлардаги тавсифи, терминларнинг идеографик хусусиятлари, корпус тахлили муаммолари, терминларнинг тарихий тараққиёт боскичларидаги тадрижий такомиллини ёритишга оид материаллар янги маълумотлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та, жумладан, 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та илмий мақола, жумладан 3 та республика ва 5 та хорижий импакт факторли ҳамда Scopus базасида руйхатдан ўтган илмий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 165 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланган, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тилшуносликда спорт терминлари ва терминосистемасига оид илмий-назарий қарашлар**» деб номланган биринчи бобда тилшуносликда *термин, терминологик бирликлар, термин ва матн (дискурс) муносабатлари, спорт терминига* берилган таърифлар атрофлича таҳлил қилинган, терминларни ҳамда соҳага оид лексемаларни таснифлаш муаммолари ёритилган, жаҳон тилшуносларининг терминлар ва соҳа терминологияси юзасидан олиб борган илмий изланишлари тадқиқ этилган.

XX аср дунё тилшунослигида *терминга* таъриф беришда турлича ёндашувлар кузатилади. Ўтган асрнинг 80-йилларида терминология соҳасида муҳим тадқиқотларни олиб борган А.В. Суперанская «термин»ни қуйидагича таърифлади: «Термин – муайян касбий, профессионал фаолиятда қабул қилинган ва алоҳида соҳаларда, шароитларда ишлатиладиган махсус сўз. Термин профессионал билимларнинг муайян соҳаси тизимига кирувчи тушунча бўлиб, у сўз билан ифодаланади. Термин махсус мақсадлар учун мўлжалланган тилнинг асосий тушунчавий элементидир. Ўз терминологик майдони ичида термин бир маънода қўлланилади. Турли майдонларнинг бир хил айтиладиган терминлари – омонимлар тизимидир. Тўғри тушунилиши учун термин махсус дефиниция (аниқ илмий таъриф)ни талаб қилади»⁵.

Маълум бир соҳани эгаллаш яъни «*ушбу соҳа мутахассисларининг касбий мулоқот жараёнини тушуниш*» шу соҳа тили ва терминларини ўзлаштиришни талаб қилади. Бундан ташқари, касбий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасини эгаллаш, тил ташувчисини тегишли терминологияга мажбурий киришни ва унинг айнан коммуникатив актларда ишлатилишини назарда тутати. Мутахассислар томонидан ишлатиладиган соҳа терминологиясини ўзлаштириш касбий ва ижтимоий жиҳатдан ўзини англаб олиши учун реал заруратдир.

Шуниси эътиборга лойиқки, инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда ўзининг моҳиятидан келиб чиқиб, касбга йўналтирилган тилни (*technical language*) акс эттирадиган профессионал тиллар ҳақида 1950 йиллардан бошлаб сўз юритилган. Ушбу тушунча бир хил тематик матнларда қўлланиладиган, тил воситалари йиғиндисини ифодалаш учун маҳаллий

⁵ Суперанская А.В. Общая терминология. – М.: УРСС, 2003. – С. 56.

лингвистикада 1960 йилларда пайдо бўлиб, тил ости тили тушунчасига яқин туради.

Тадқиқотда Комарова (1998); Лейчик (2007); Щелов (2010) каби ва бошқа олимларнинг илгари сурган фикрларини мақуллаган ҳолда мазкур тушунчага ўзимизнинг куйидаги таърифимизни келтирамиз: **махсус мақсадлар учун мўлжалланган тил** (функционал тил) ва **функционал услуб** ҳар қандай тил таркибининг ўзига хос шакллари ҳисобланади. Бу икки тушунчанинг маъноси ўзаро фарқли жиҳатларга эга ва мазмунан тенг эмас. Спорт тилига нисбатан «махсус мақсадлар учун мўлжалланган спорт тили», «спортнинг қўйи (тил ости) тили», «спортнинг махсус тили», каби терминларни синоним равишда қўллаш мумкин. Шунингдек, «махсус мақсадлар учун мўлжалланган тил» ва «касбий мулоқот тили» тушунчалари маъно жиҳатидан бир-бирига яқин, бироқ тенг эмас. Бироқ, ихтисослашган (махсус) мулоқот, профессионал компонентларни ўз ичига олади, лекин унга номутаносиб ҳисобланади. Бундай тушунча касбий фаолият ҳисобланадиган жисмоний ва ўйин фаолиятдан кейин ривожланган, спорт соҳасида адекват мазмунга ва кўринишга эга.

Ҳар қандай муайян мақсадлар учун мўлжалланган тилнинг ядросини, терминология деб аталган махсус лексика ташкил қилади. Терминлар у ёки бу табиий тилнинг луғавий қисми сифатида ўрганиб чиқилиши мумкин, аммо улар терминологик тизимда кенг маънода миллат тилининг функционал хилма-хиллигида акс этади ҳамда муайян мақсадлар учун мўлжалланган тилга нисбатан кенгроқ ҳисобланади⁶. Грамматик жиҳатдан муайян мақсадларга мўлжалланган тил умумий тилга нисбатан имконияти чекланган. У миллат тилининг бир бўлаги сифатида қаралади. Шунингдек, терминология ва номенклатураларга қўшимча равишда нутқнинг энг типик турларини ҳам ўз ичига олади⁷.

Спорт соҳасида янги спорт турлари ва ўйинларининг вужудга келиши янги терминологик тизимлар шаклланишига олиб келади. Шу маънода, мазкур жараён терминологияни тадқиқ қилиш ва тартибга солишни анчагина мураккаблаштиради. Ҳар бир махсус фан соҳаси турли хил термин ва лексик birlikлар билан уйғун шаклда фаолият олиб боради. Ушбу терминларнинг тизимли комбинацияси эса, ўз навбатида ушбу концептуал соҳа терминологиясини ташкил этади. Спорт соҳаси терминологиясини ўрганишда терминнинг туб мазмун-моҳиятини ҳисобга олиш лозим. Шу ўринда «спорт термини» сўз бирикмасининг негизида қандай маъно мавжудлиги, спорт термини ва тушунчаси бир-биридан ажралиб туриши сабаларини англаш долзарб масалалардан биридир.

Спорт – бу таркибий жиҳатдан мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий-маданий ҳодиса. Бинобарин, тилшуносликда *СПОРТ* яхлит концептосфера

⁶ Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура / В.М. Лейчик. – М.: ЛКИ, 2007. – 256 с.

⁷ Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология: Вопросы теории / А.В. Суперанская, Н.В. Подольская, Н.В. Васильева / Отв. ред. Т.Л. Канделаки. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2012. – С. 3-80.

сифатида ўрганилади⁸. Изоҳли луғатларда *sport* (*sport*) сўзлари бир нечта маънога эга бўлиб, улар бир-бирига ўхшаш эканлиги эътироф этилади. Ўзбек тили изоҳли луғатида спорт лексемасига қуйидагича таъриф берилган: **СПОРТ** [ингл. **Sport** < *disport* – ўйин, эрмак; ўйин-кулги] – соғлиқни мустаҳкамлашга ва жисмоний-руҳий жиҳатдан ҳар томонлама ўсишга қаратилган бадантарбия машқлари, шулар бўйича мусобақалар, кураш, туризм ва ш.к. мажмуи; жисмоний маданиятнинг таркибий қисми⁹. Рус тили изоҳли луғатида ҳам шунга ўхшаш таърифни кузатишимиз мумкин. **СПОРТ** – 1. Инсон организмини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган жисмоний машқлар мажмуи. *Лыжный спорт (муз спорти)* 2. кўчма маъно. Бирон машғулот билан муккасидан кетганча шуғулланиш¹⁰. Оксфорд луғатида ҳам қуйидаги ўзига хос таърифни учратишимиз мумкин: **SPORT** – *noun* 1) *an activity involving physical exertion and skill in which an individual or team competes against another or others for entertainment team sports such as soccer and rugby* – жисмоний машқлар билан боғлиқ фаолият, бунда бир киши ёки бутун бир жамоа, рақиб спортчиси ёки жамоасига қарши рақобатлашади. Мисол тарзида *футбол* ёки *регби* каби кўнгилочар жамоавий спорт турларини келтиришимиз мумкин¹¹.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, спорт ижтимоий, маданий, таълим соҳасида турли-туман ўзига хосликларни қамраб олади. Биринчидан, кўплаб спорт турлари бир-биридан *профессионал* ва *ҳаваскор (Professional Sports and Amateur Sports)* каби жиҳатлари билан фарқланади. Иккинчидан, маълум бир спорт фаолиятининг ўзига хослигини кўрсатадиган турли хил белгилари мавжуд. Шундай қилиб, *Leisure sports* (бўш вақтдаги спорт) термин бирикмаси атрофида *Compensatory sport* (компенсацион спорт), *Mass sport* (оммавий спорт), *Fitness exercises* (соғломлаштирувчи жисмоний машқлар) каби сўз бирикмаларнинг ҳам қўлланилишини кўришимиз мумкин.

Шу ўринда Канада давлатида чоп этилган “*Modern Applied Science*” журналида эълон қилинган мақолада *Leisure sports* термин бирикмаси таърифни келтириб ўтишни лозим топдик: **Leisure (Amateur) Sports are freeform, voluntary and non-competitive activities, which aim to regulate the mental state of people. Leisure Sports are not a specific sport project but a kind of social existence form of sport. Leisure sports projects are all-inclusive, which are generally divided into four types: sports recreational activities, sports fitness activities, sports adventure activities and sports social activities**¹². **Таржимаси:** Ҳаваскор спорт – бу одамларнинг руҳий ҳолатини тартибга солишга қаратилган эркин, ихтиёрий ва рақобатбардош фаолият. Ҳаваскор спорт ўзига хос спорт лойиҳаси эмас, балки спортнинг ижтимоий мавжудлик шаклидир. Бўш вақтни мазмунли ўтказишга мўлжалланган спорт турлари

⁸ Панкратова О.А. Лингвосомиотические характеристики спортивного дискурса. Дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.19 / Панкратова Ольга Александровна. – Волгоград, 2005. – 223 с.

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 3-жилд. – Б. 566.

¹⁰ Словар русского языка: 20-е издание. – М., 1988. – С. 618

¹¹ Oxford Dictionary of English. 3 rd Edition. Oxford University Press, 2010.

¹² Jie, Min & Houzhong, Jin. (2010). Analysis on Essence, Types and Characteristics of Leisure Sports. Modern Applied Science. – P. 99.

мақсадли қамраб олинган бўлиб, улар асосан тўрт турга бўлинади: *спорт-соғломлаштириши тадбирлари, спорт-фитнес тадбирлари, спорт-саргузашт тадбирлари* ва *спорт-ижтимоий тадбирлар*.

Спорт фаолиятининг динамик ҳодиса эканлигини 1990-йилларда пайдо бўлган янги “**Indoor sport**” (ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган спорт) ва “**Outdoor sport**” (очиқ иншоотларда ўтказиладиган спорт) каби тушунчалардан ҳам англашимиз мумкин. Шу маънода, спорт соҳаси терминларини ҳар қандай тилда уч шартли **категория (тоифа)**ларга ажратиш мумкин: 1. **Спорт фан терминлари** (*sports science terms*); 2. **Умумий спорт терминлари** (*general sports terms*); 3. **Топ соҳа терминлари** (бир ёки бир нечта спорт турларида ишлатилади) (*mixed terms*). Спорт лексикасининг ушбу қатламлари чегараларидаги чалкашликларни англаган ҳолда, биринчи навбатда, охириги гуруҳга эътибор қаратишни тўғри деб ҳисоблаймиз. Яъни, юқоридаги олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, спорт термини тушунчасига ўзимизнинг қуйидаги ишчи таърифимизни келтирамиз: **Спорт терминини** «спорт» деб номланувчи мураккаб ва очиқ тизим тушунчаларининг бирортасига алоқадор ва изоҳга эга бўлган, тушунчага спорт тусини, терминга эса спорт тилининг бир бўлаги мавқеини бера оладиган муайян лисоний белги (от, сифат, равиш, феъл ёки сўз бирикмаси) сифатида қабул қиламиз.

Инглиз тили Британника Энциклопедиясида спорт турлари ва ўйинларига қуйидагича тавсиф берилган: *Sports and Games recreational or competitive activities that involve physical skill, intellectual acumen, and often luck (especially in the case of games of chance). PLAY is an integral part of human nature. Throughout history, humans have invented sporting and gaming activities as a means to socialize, to display skills and prowess, and to entertain or offer excitement. The earliest games may have been based on hunting and gathering activities. In modern times, with the emergence of professional sports, games continue to serve as physical and emotional outlets, as diversions, and as enrichments to daily life while also playing a pronounced economic role*¹³.

Таржимаси: Спорт ва ўйинлар жисмоний маҳорат, интеллектуал қобилият ва кўпинча омадни ўзида мужассамлаштирган, ҳордиқ чиқариш ёки мусобақалашишни англаувчи тадбирлар (айниқса имкониятлар ўйинларида) мажмуи. Ўйин – инсон табиатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бутун тарих давомида одамлар спорт ва ўйин фаолиятларини ижтимоийлашув, қобилият ва жасоратни намойиш этиши, кўнгил очиш ёки таклиф қилиш воситаси сифатида ихтиро қилишган. Энг қадимги ўйинлар ов ва термачилик фаолиятига асосланган. Ҳозирги замонда, профессионал спортнинг пайдо бўлиши билан, ўйинлар жисмоний ва ҳиссий омилларни намоян қилади ҳамда иқтисодий жиҳатдан кундалик ҳаётий эҳтиёжимизга айланган.

Спорт соҳасига оид терминология, лексика ва луғат бойлигининг шаклланиши ва ривожланиши ер юзида спортнинг пайдо бўлиши билан

¹³ Encyclopædia Britannica. – Peru, 2006. – P. 1804

узвий боғлиқ. Бироқ, ушбу жараёнда юртимизда яшаб ўтган буюк бобокалонларимиз, мутаффакир ва алломаларимизнинг ижобий таъсири бекиёс аҳамиятга эга. Спорт терминологиясини шаклланиши ва ривожланишида спортнинг янги турларини пайдо бўлиши билан бир қаторда тарихий тадрижий босқичлар муҳим роль ўйнайди. Ҳолбуки, ўрганилаётган ҳар қандай тадқиқот объектини диахрон ва синхрон аспектда ёритиш самарали усул эканлиги исботланган. Шу маънода, спорт терминологияси ва лексикасининг ривожланиш босқичларини тўртта хронологик даврга бўлиб, тадқиқ қилиш лозим.

1. Қадимги дунёда жисмоний тарбия ва спорт терминологияси (лексикаси) (мил. ав. VIII минг. й. -мил. IV аср).

2. Ўрта асрлар даврида жисмоний тарбия ва спорт терминологияси (лексикаси) (V-XVII асрлар).

3. Янги даврда жисмоний тарбия ва спорт терминологияси (лексикаси) (XVIII-XIX аср охири).

4. Энг янги даврда жисмоний тарбия ва спорт терминологияси (лексикаси) (XX асрнинг бошлари-ҳозирги кунгача).

Юнонистон давлатининг пайдо бўлиш тарихи (милоддан аввалги III-II минг йилликлар) узоқ ўтмишга бориб тақалсада, спорт терминологияси ва лексикасига оид тил бирликларини тарихчи Гомернинг (милоддан аввалги XII-IX асрлар) қадимги даврдаги юнон ҳаётининг ёрқин манзаралари акс эттирилган «Иллиада» ва «Одиссея» асарларида учратамиз. «Одиссея» асарида «*атлет*» сўзи ўша вақтда «*олижаноб қаҳрамон*», «*аслзода*», зодагон тушунчалари билан узвий боғланган. Яъни, халқ ичидаги «*чаққон одам*» тушунчасига қарама-қарши қўйилган. Шу сабабдан, оддий кишилар зодагонлар томонидан уюштирилган жанг-ўйинларида иштирок этмаган, фақат томошабин сифатида ўтиришган, холос. *Атлет* термини инглиз ва ўзбек тили спорт терминологиясига қадимги юнон тилидан ўзлашган деб, айтишимиз мумкин.

Платон (милоддан аввалги 427-347 йй.) Афина зодагонлари вакили, файласуф-идеалист, инсоннинг *маънавий* ва *жисмоний* камолоти ҳақидаги назариянинг асосчисидир. У Спарта тизимида хайрихоҳлик билдириб, ҳарбий-жисмоний тарбияни *ақлий тарбия* ва *таълим* билан қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаган. Платон ўзининг асарида шундай деган: «*Яхши гимнастика ҳам оддий бўлади, лекин энг аввало, ҳарбий гимнастика бўлиши лозим*».

Бирлашган Қироллик фуқароларининг ҳаёти, меҳнат фаолияти, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларида спорт муҳим аҳамият касб этади. Бир қатор дунёга машҳур халқаро спорт турлари, хусусан, *футбол*, *регби*, *крикет*, *гольф*, *теннис*, *бадминтон*, *сквош*, *сув полоси*, *бокс*, *снокер*, *дартс*, *бильярд* ва *кёрлинг*¹⁴ кабиларнинг ватани Буюк Британия эканлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас. Ушбу спорт турлари Бирлашган Қиролликда

¹⁴ Nauright, John; Parrish, Charles, eds. Sports around the world history, culture, and practice. ABC-CLIO, 2012. – P. 169.

нафақат вужудга келди, балки ривожланди, ўйин қоидалари ишлаб чиқилди. Вақт ўтиши билан ушбу спорт турларининг қонун-қоидалари янада такомиллашди. Спорт турларининг ўзи эса бутун дунёга маълум даражада оммалашди. Шунингдек, кейинги даврларда вужудга келган *елканли кемалар пойгаси* ва *Формула-1* каби замонавий спорт турларининг келиб чиқиш илдизлари ҳам Бирлашган Қироллик мамлакатларига бориб тақалади, десак муболаға бўлмайди. Шу ўринда мазкур спорт турларини **жамоавий спорт турлари** (*футбол, хоккей (чим устида), крикет, регби ва нетбол* кабилар)га ҳамда **бир ёки икки қатнашчи иштирокида ўтказиладиган спорт турлари** (*бадминтон, енгил атлетика, теннис, бокс, гольф, велопойга, моторли спорт (мотоспорт) ва от пойгаси*)га ажратиш мумкин. Ушбу спорт турлари воситасида инглиз тилига кириб келган спорт соҳасига оид термин ҳамда лексемаларнинг келиб чиқиш тарихи шу спорт турларининг пайдо бўлиш тарихи билан бевосита боғлиқ.

Шу ўринда ўрта аср рицарларининг ижтимоий таъсири ва дастлабки спорт турларининг кўриниши пайдо бўлиши билан бир қаторда баъзи термин ва лексемалар инглиз тилига турли даврларда кириб кела бошлади. Бу эса ўз навбатида профессионал қиличбозлик ҳамда пентатлон, яъни, ҳозирги замонавий **бешкураш** мусобақаларига оид терминларни вужудга келишига ва инглиз тилида фаол қўлланишига олиб келди. Биз қуйидаги термин ва лексемалар инглиз тилига турли даврларда кириб келган бўлса-да, бугунги кунда улар фаол қўлланилмоқда деб ҳисоблаймиз. Масалан: **appel** (*fencing*) (1) a stamp of the **front foot** in a **feint** (*олд оёқнинг финт (алдовчи ҳаракат)га таёрланиб қўйилган қадами*); (2) a sharp blow with the feint (*финт (алдовчи ҳаракат) воситасида берилган тезкор зарба*); **back edge** (*fencing*) the opposite edge of the **saber** from the **cutting edge** (*қиличнинг кесувчи қиррасига қарама-қарши томони*); **balestra** (*fencing*) an attacking movement consisting of a **jump** forward with both feet immediately followed by a **lunge** (*иккала оёқ билан олдинга сакраб тушишидан иборат ҳужум ҳаракати*); **bib** (*fencing*) the padded protective part of a mask that protects the throat (*спортчи маскасининг томоқ қисмини ҳимоя қилувчи юмшоқ қисми*); **corps a corps/body to body** (*fencing*) bodily contact between two **fencers** (*икки қиличбознинг ўзаро гавда тўқнашуви*) ва б. Юқоридаги спорт терминлари ва лексемаларининг аксарият қисми инглиз тилига француз тилидан кириб келгани аниқланди. Масалан: *appel, corps a corps, doigte, en garde!, fluche, foible, fort, maitre d'armes, octave, plastron, prime, quarte, quinte, remise, riposte, sixte, septime, tac-au-tac, tierce* ва б.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг тематик ва деривацион хусусиятлари**» деб номланади. Бу бобда инглиз ва ўзбек тилларида спортга оид термин ва лексемаларнинг морфологик таснифи, лексик-семантик хусусиятлари, функционал-семантик хусусиятлари, инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган спорт терминларнинг мавзуий жиҳатдан типологик таснифлаш жараёнларини, инглиз ва ўзбек тилларидаги спорт соҳасига оид термин ва лексемаларнинг таҳлили

натижасида улар қайси сўз туркумларига мансуб эканлигини, терминологиядаги миқдор жиҳатдан салмоғини аниқлашга ҳаракат қилдик. Биз уларнинг морфологик хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги гуруҳларга ажратиб, таснифлаш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. От сўз туркумига мансуб бўлган инглиз ва ўзбек тили спорт соҳасига оид термин ва лексемалар. Уларнинг спорт терминологиясидаги улуши 60 фоизни ташкил қилди. Мисол сифатида қуйидаги термин ва лексемаларни келтириб ўтишимиз мақсадга мувофиқ. **Инглиз тилида:** *helmet* – дубулга, *squatting* – ўтириб туриш машғулоти, *station* – мусобақа қатнашчисининг стартдаги ўрни (позицияси), *stand-off* – дурранг, *spurt* – бирсилтов, бир зўр бериш (огир тош ёки итанга кўтаришда), *stayer* – стайер (узоқ масофаларга югурувчи спортчи), *steeplechaser* – стиплчезер (тўсиқлар оша югурувчи спортчи), *sniper* – мерган ва б. **Ўзбек тилида:** ўйин, фил, шахмат тахтаси, кема, ҳужумчи, ҳимоячи, дарвозабон, спортчи, қўл тўпи, хоккей, сёрфинг, каяк, мерган, қилич, атлет, велопойга, дубулга, спринтер ва б.

2. Феъл сўз туркумига оид бўлган инглиз ва ўзбек тиллари спорт терминологиясига доир термин ва лексемаларнинг умумий улуши 30 фоизни ташкил этади. Уларга қуйидаги лексик бирликларни мисол тариқасида қайд этиш лозим. **Инглиз тилида:** *to start* – бошламоқ, *to seed* – ярқирамоқ, *to shag* – тўп ва б. ортидан қувмоқ, *to shy* – (отнинг чўчиб) сакраши, *to slice* – учаётган тўпнинг тўғри йўлдан огиши (теннисда, гольфда), *to stare* – кузатмоқ (томоша қилмоқ), *to steeplechase* – стипл-чез (тўсиқлар оша югуриш) мусобақасида қатнашмоқ, *to spot* – жойни белгиламоқ (рўйхатга қўймоқ мусобақада), *to screen* – тўсиқ ташкил қилмоқ (баскетбол), *to square* – ўйинда ҳисобни тенглаштирмақ ва б. **Ўзбек тилида:** бошламоқ, старт бермоқ, тугатмоқ, югурмоқ, сакрамоқ, мўлжалга теккизмақ, нишонни урмақ, галаба қозонмоқ, ютқазмоқ, мағлубиятга учрамоқ, галабани сақлаб қолмоқ, гол урмақ, ҳимоя қилмоқ, ҳужум қилмоқ, қуръа ташламоқ, мухлислик қилмоқ, таъқиб қилмоқ, мот қилмоқ, рекорд ўрнатмоқ, биринчиликни қўлга киритмоқ ва б.

3. Сифат сўз туркумига оид инглиз ва ўзбек тиллари спорт терминологик бирликларнинг умумий улуши 5 фоизни ташкил этади. Ушбу бирликларга қуйидаги лексик бирликларни мисол сифатида келтириш лозим. **Инглиз тилида:** *sick* – ўзини яхши ҳис қилмаслик, *scientific* – юқори тажрибага эга (моҳир, юксак техникага, эришган; моҳирона;), *off-track* – югуриш йўлагидан ташқарида, *off* – боулернинг чап томонидаги майдоннинг қисми, *overall* – мутлақо (абсолют) ва б. **Ўзбек тилида:** моҳир, айёрона, қўққисдан, касал, жароҳатланган, дисквалификация қилинган, четлаштирилган, профессионал, юқори кўрсаткичга эга, тезкор, шиддатли, ҳужумкор, дарвозага йўналтирилган, плей-офф ва б.

4. Равиш сўз туркумига мансуб инглиз ва ўзбек тилидаги спорт терминологик бирликларнинг умумий улуши 5 фоизни ташкил этади. Уларга қуйидаги лексик бирликлар киради. **Инглиз тилида:** *out* – аут! (тўпнинг

ўйиндан чиқиб кетиши), *in* – формада бўлмоқ ва б. **Ўзбек тилида:** моҳирона, айёрона, қўққисдан, профессионал, тезкор, шиддатли, хужумкор ва б.

Инглиз ва ўзбек тиллари спорт соҳасига оид термин ва лексемаларнинг тадқиқ қилиш жараёнида асосий компонентларни морфологик жиҳатдан қўлланилишига асосан, спорт термин-бирикмаларини қуйидаги икки гуруҳларга ажратишни жоиз деб биламиз:

1. Инглиз ва ўзбек тили спорт соҳасига оид отлашган термин ва сўз бирикмалари (умумий улуши 75 фоиз). **Инглиз тилида:** *landing area* – қўниши майдони, *long jump* – узоққа сакраш, *shot put* – ядро улоқтириши, *body rotation* – тананинг айланиши, *free leg* – эркин (оёқ) зарбаси, *vertical free leg* – ёнбош эркин зарбаси, *punch below the belt* – тананинг белдан паст соҳасига мушт туширмоқ, *short-shafted ice axe* – калта ўткирланган музёрап асбоб (альпинизм) ва б. **Ўзбек тилида:** дзюдо зарбаси, отга тақа ўрнатиш (қоқиш), бош бармоқ билан кўрсаткич бармоқни сиқиш, қалтис ҳаракат билан мағлуб қилмоқ (парчалаб ташламоқ), жангдаги партнёр (шерик), бошини қайирмоқ (яъни голиб бўлмоқ), қоидага зид зарба ва б.

2. Инглиз ва ўзбек тили спорт соҳасига оид феъллашган термин ва сўз бирикмалари (умумий улуши 25 фоиз). **Инглиз тилида:** *to drop the flag* – байроқни тушуриш, *to flag a course* – голф майдонига байроқни жойлаштирмоқ, мусобақа (беллашув)га старт бермоқ, *to floor a man in a boxing match* – бокс матчида рақибни (курагини) ерга йиқитмоқ, *to fist out a ball* – тўпни муштлаб урмоқ, *to obtain the ball off-side* – оффсайд (ўйиндан ташқари ҳолатдаги тўп)ни қўлга киритмоқ ва б. **Ўзбек тилида:** машиналарни (стартга) жойлаштирамоқ, жанг қилмоқ, ҳалол (ўйин қоидаларига мувофиқ) зарба бермоқ, адолатли ўйин кўрсатмоқ, майдон ташқариси (захира)даги ўйинчини ўйинга туширмоқ, *to obtain the ball off-side* – оффсайд (ўйиндан ташқари ҳолатдаги тўп)ни қўлга киритмоқ ва б.

Инглизча ва ўзбекча спорт термин-лексемаларни лексик-семантик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга ажратиб, таснифлаш мақсадга мувофиқ:

1. *Спортга оид воқеаларни, жараён ва ҳаракатларни* англатувчи инглиз ва ўзбек тилларидаги термин лексемалар (умумий улуши 50 фоиз). **Инглиз тилида:** *body checking* – текширув (тана текшируви), *hand pass* – қўл сиқиб кўришиш (қўл билан узатилган пас), *to clear the puck* – шайбани узатиш (жарима майдонидан узоқлаштириш), *face-off* – шайбани ўйинга киритмоқ, *to finish a check* – текширувни тугатмоқ, *to shadow* – соядек таъқиб қилмоқ, *top stroke* – баландлаб берилган зарба, *diving* – сувга шўнғиш, *show jumping* – конкур (от спорти), *free kick* – эркин зарба, *thrust* – зарба, атака, босқин, *pass* – пас бермоқ (тўпни узатмоқ), *side support* – томон таянчи, *bridge* – мостик (кўприк) (гимнастика), *breakout* – танафус ва б. **Ўзбек тилида:** узатма, хизмат текшируви, (сувга) шўнғимоқ, тўпни ўзатмоқ (пас бермоқ), таъқиб қилмоқ, конкур (от миниб тўсиқлар оша сакраш), эркин зарба, атака, хужум, манёвр қилмоқ, тўсиқлар оша югурмоқ, прессинг, страйк ва б.

2. Инглиз ва ўзбек тилларида *спорт анжомлари ва унинг қисмларини, шунингдек, спорт дастурининг элементларини билдирувчи термин*

лексемалар (35 фоиз). **Инглиз тилида:** *butt end* – клюшка (гольф), *blue line* – кўк (хавфсиз) ҳудуд (хоккей), *blocker* – дарвозабоннинг ҳимоя кўлқопи (хоккей), *chest pad* – кўкракка тақиладиган, тутиладиган қалқон, *pipes* – хуштаклар, *cup* – кубок, *grinder* – пармаловчи, *red light* – қизил чироқ (светофор), *billiard room* – бильярд хона, *fin* – сузгич, *diving apparatus* – ғаввос аппарати, *swimming lane* – сузиш йўлакчаси (қатори), *motorboat* – моторли қайиқ, *star* – юлдуз, *parachute* – парашют, *mound* – тепалик (горка), *red card* – қизил карточка, *rugby ball* – регби коптоғи, *helmet* – дубулға (каска). **Ўзбек тилида** ҳам *спорт анжомлари ва унинг қисмларини*, шунингдек, *спорт дастурининг элементларини* билдирувчи терминлар мавжуд бўлиб, улар ҳозирги кунда ўқув дарсликлари ва ОАВда кенг қўлланилаётганлигини кузатдик. Масалан: *резина тўп (ядро) улоқтириши*, *арқон*, *козёл (эшак)*, *яккачўп*, *ҳалқа*, *тўп*, *клюшка*, *арғамчи*, *кегли*, *брус*, *найза*, *сават*, *шит (баскетбол)*, *майка*, *трусси*, *тўпни бир қўллаб сакраб ташилаши (баскетбол)*, *тўпни олиб қўйиши (тортиб олиши, уриб чиқариши)*, *баҳс тўпи (баскетбол)*, *тўр (сетка)* ва б. Ушбу лексик бирликларнинг қўлланилишига кўра қуйидагиларни мисол сифатида келтиришни лозим деб ҳисоблаймиз: **Саватнинг ҳалқаси полдан 3 м 5 см баландликка ўрнатилади**¹⁵. *Жанубий корейлик гольфчи аёл Минг Ким гольф клюшкаси ва коптокчаси билан боулинг партияси ўйнади. ... Гольфчи биринчи зарбаси биланоқ страйкка эришди, яъни барча 10 та кеглини уриб туширди*¹⁶.

3. Инглиз ва ўзбек тилларида *спортчиларнинг қайси спорт тури вакили эканлигини* кўрсатувчи термин-лексемалар (9 фоиз). **Инглиз тилида:** *billiard player* – бильярдчи, *underwater swimmer* – сув ости сузувчиси, *diver* – дайвер (ғаввос), *judge* – судья (ҳакам), *referee* – рефери (спорт мусобақаларида бош судья), *pilot* – учувчи, *road racer* – пойгачи, *a racing cyclist* – велопойгачи, *racing motorcyclist* – мотопойгачи, *coach* – мураббий, *handball player* – гандбол ўйинчиси ва б. **Ўзбек тилида** спортчиларнинг қайси спорт тури вакили эканлигини ифодаловчи термин-лексемалар: *бильярдчи*, *сузувчи*, *ғаввос*, *ҳакам*, *рефери*, *учувчи*, *велопойгачи*, *мураббий*, *гандболчи*, *хоккейчи*, *баскетболчи*, *футболчи*, *волейболчи*, *футзалчи*, *курашчи*, *боксчи*, *теннисчи*, *бадминтончи*, *атлет*, *гимнаст*, *кикбоксчи*, *каратечи*, *дзюдочи*, *чангичи* ва б.

4. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт мусобақаларининг олиб борилишида спортчиларнинг чиқишларидаги сифат ва хусусиятларини ифода этувчи қуйидаги термин ва лексемалар мавжуд (6 фоиз): *chippy* – бешавқат, *гирромона*, *clutch-and-grab* – *илашиши ва тортишув*, *intentional offside* – *мақсадли оффсайд*, *heads-up play* – *дадиллик билан ўйинни ўз қўлига олмоқ*.

Ўзбек тили спорт лексикасида ҳам шундай бирликлар мавжудки, улар спортчиларнинг ҳаракатларида сифат, маҳорат ва турли хил ҳолат тушунчаларини ифодалаб, спортчиларнинг ёки жамоанинг ҳаракатларини баҳолашда қўлланилади десак, хато қилмаган бўламиз. Масалан: *гирромона*, *айёрона*, *агрессив*, *ҳужумкор*, *нафис*, *яққол устунлик билан*, *тезор*, *фаол*,

¹⁵ Усмонхўжаев Т.С., Арзуманов С.Г. Жисмоний тарбия. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б. 20.

¹⁶ <https://kun.uz/news/2017/03/30/golf-koptokcasi-bilan-am-bouling-ujnas-mumkin-ekan-video>

жадал ва б. Футболчи ўйиндан аввалги матбуот анжуманида «матрасчилар»нинг мудофаа чизиги кучли эканига, мадридликлар тўн йўқотилганида қанчалар **агрессив** ҳаракатланишларига урғу қаратди¹⁷.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, термин бирикмаларни структур-семантик хусусиятига кўра бир нечта турларга ажратиш мумкин. Шу маънода, таркибидаги компонентларнинг сонига кўра инглиз ва ўзбек тили спортга оид бирикмали терминларини қуйидаги шаклда таснифлаш тўғри бўлади:

Инглиз ва ўзбек тили спорт соҳасига оид *икки компонентли* термин-бирикма шаклидаги бирликлар (60 фоиз). **Инглиз тили:** *white square* – дуранг натижа, *black pieces* – қора доналар (шахмат), *individual chessmen* – индивидуал шахмат доналари, *mate by Knight* – от билан мот қилмоқ, *cue rack* – кий (бильярд таёғи) тиргаги, *billiard marker* – бильярд маркер (бильярд ўйинида хизмат қиладиган ва ҳисобни юритадиган шахс), *lane timekeeper* – югуриш хронометрчиси, *placing judge* – ҳакамларнинг жойлашуви, *turning judge* – ҳакамлар алмашинуви, *rowing coach* – эшкак эшиш бўйича мураббий, *double-bladed paddle* – икки сузгичли эшкак, *racing keelboat* – қайиқ пойгаси, *powerboat racing* – катер (моторли қайиқ) пойгаси, *deep-water start* – чуқур сувдаги (сув сатҳидаги) старт, *jump ski* – трамплиндан сакраш, *endurance competition* – чидамлик беллашуви (мусобақаси), *inside defender* – марказий ҳимоячи, *outside defender* – ярим ҳимоячи, *short stop* – қисқа танаффус ва б.

Ўзбек тили спорт соҳасига оид *икки компонентли* бирикма терминлар қуйидагилардир: югуриш йўлаги, таянч ҳакам, диск улоқтириш, отда юриш, марказий ҳимоячи, ён ҳужумчи, трамплиндан сакраш, узунликка сакраш, узоқликка югуриш, ярим ҳимоячи, тандем (икки ўринли) қайиқ, ҳакамлар алмашинуви, кий тиргаги, қисқа танаффус ва б. Ушбу бирикма терминларга қуйидаги мисолларни келтириш мақсадга мувофиқ: **Диск улоқтириш** мусобақасининг F57 классда иштирок этган Моҳигул Ҳамдамова 32.49 метр натижа билан Осиё рекордини янгилашга муваффақ бўлди (ОАВ).

Инглиз ва ўзбек тили спорт соҳасига оид *уч компонентли* бирикма терминлар (21 фоиз). **Инглиз тилида:** *moves of the individual pieces* – айрим доначаларнинг юриши (шахмат), *white spot ball* – оқ бильярд шари, *red object ball* – қизил қўшимча шар, *white cue ball* – оқ кий (зарба берувчи) шари, *underwater swimming set* – сув остида сузиш анжомлари жамланмаси, *harness of diving apparatus* – шўнгиш анжомлари жамланмаси, *rope with cork floats* – пўкак тиқинли арқон, *tuber-covered canvas hull* – дагал мато билан ўралган тугун, *two-seater folding kayak* – икки кишилик каяк (шимолда усти берк тери қайиқ), *wild-water racing kayak* – (табиатдаги) оқар сувда байдарка (каяк), *front foot binding* – олд оёқ маҳкамлагич (сноуборд), *side-car combination on the bend* – кажавали мотоциклнинг бурилишдаги комбинацияси (мотопойга), *sand track racing* – қум трек пойгаси (саҳрода

¹⁷ <https://kun.uz/news/2020/10/21/levandovski-suaresga-qarshi-real-va-liverpul-ishtirokini-boshlamoqda-kun-oyinlaridagi-intrigalar>

ёки қум билан қопланган йўлак/айланада ўтказиладиган мотопойга), **base line judge** – таянч (ён чизиқ) ҳакам, **correct placing of the hands** – қўлларнинг тўғри жойлашуви, **cut and thrust weapon** – кесувчи ва ўқотар қурол ва б.

Ўзбек тилида: тўпни олиб юриш, узоқдан берилган зарба, тўғридан ҳужумкор зарба, яқиндан узатилган тўп, от чоптириш йўлаги, тўпни қабул қилиб олиш (волейбол), қум трек пойгаси, заввос анжомлари жамланмаси, узоқ масофага югуриш, қисқа масофага югуриш, оқ кий шарни, пошнасиз қиличбозлик пойабзали, икки кишилик беллашув, беш кишилик қайик, уч кишилик шоҳсуна, эркин усулда сузиш, брасс усулида сузиш, турникда орқачалаб тортиниш, тўпни ўйинга киритиш ва б. Ушбу уч компонентдан ташкил топган бирикма терминлар инглиз тилида ўзбек тилига нисбатан миқдорий жиҳатдан устунликка эга.

Инглиз ва ўзбек тили спорт соҳасига оид **тўрт компонентли** бирикма терминлар (14 фоиз). **Инглиз тилида:** **competitor touching the finishing line** – финиш чизигини босиб ўтган рақиб спортчи, **standing take-off pike dive** – қаддини буккан (ҳавода оёқ ва бош қисми эгилган) ҳолда шўнғишга тайёрланиш, **running take-off twist dive** – югуриб келиб айланиб (олдинга сальто отиб) сакраш, **forehand volley a normal height** – нормал баландликдан тўр олдида берилган зарба (теннис), **first position for fencer's salute** – қиличбознинг дастлабки салют (саломлашиш) ҳолати, **rearward swing on the parallel bars** – параллел брусда орқага тебраниш (гимнастика), **backward underswing on the horizontal bar** – турникда орқачалаб тортиниш (гимнастика), **free walkover forward on the floor** – пол устида олдинга қараб эркин айланиш (гимнастика).

Ўзбек тили спорт соҳасига оид **тўрт компонентли** бирикма терминлар: дарвозабоннинг ҳужумчига қарши чиқиши, оёқларни елка кенглигида букиш, тўпни қабул қилиб олиш, букилган ҳолда сувга сакраш, югуриб келиб айланиб сакраш, тўр олдида берилган зарба (волейбол, теннис), пастдан тўғрига ошириш (волейбол), қиличбознинг дастлабки салют ҳолати, параллел брусда кўтарилиб тушиш, тўпни оёқ билан тўсиш (гандбол), (етти) тўққиз метрлик жарима тўпи (гандбол), тўпни сирпаниб олиб қўйиш (футбол) ва б.

Инглиз ва ўзбек тили спорт соҳасига оид **беш компонентли** бирикма терминлар (5 фоиз): **hitting the cue ball dead center** – бильярд шарини жонсиз марказга уриш, **waterproof watch for checking duration of dive** – шўнғиш вақтининг давомийлигини ўлчаш учун сувга чидамли соат, **backward grand circle on the horizontal bar** – турникда орқачалаб амалга оширилган айлана ҳаракат, **free backward circle on the asymmetric bars** – ассиметрик турникда орқачалаб амалга оширилган эркин айлана ҳаракат.

Ўзбек тили спорт соҳасида қўлланиладиган беш компонентли бирикма терминлар: тўпни икки қўллаб юқоридан узатиш, тўпни икки қўллаб пастдан узатиш, тўғри қўл билан пастга отиш, тўғри қўл билан юқорига отиш, тўғри қўл билан ёндан отиш (гандбол), ўн бир метрлик жарима тўпи (футбол), думалаб кетаётган тўпга зарба бериш, учиб келаётган тўпга зарба бериш, тўпни ҳамла билан олиб қўйиш, учиб келаётган тўпни туртиб

юбориши (футбол), тўпни дарвоза олдидан ўйинга киритиши ва б.

Тадқиқот жараёнида **ўзбек тили** спорт соҳасида қўлланиладиган *олти, етти ва саккиз* компонентли бирикма терминларни ҳам аниқладик. Улар қуйидагилар: *тўпни оёқнинг ички томони билан тешиш, оёқнинг ўрта юзаси билан тўп тешиш, оёқ кафтининг ташқи томони билан тешиш, тўпни икки қўллаб юқоридан қабул қилиб олиш, тўпни бир қўллаб пастдан қабул қилиб олиш, оёқ юзининг ички қисми билан бурчакдан тўп тешиш (узатиш), думалаётган тўпни оёқ ости билан тўхтатиш, тўпни елка билан туртиб олиб қўйиш* ва б.

Терминларнинг функционал-семантик хусусиятлари ҳақида гап кетганда, спорт соҳасига оид термин-лексемалар ва термин-бирикмалар таркибида қуйи даражадаги бирликларга эргашувчи юқори даражадаги семантик бирликларнинг ифодаланишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу ўринда Х.Д. Палуанова баён этган қуйидаги таърифни келтириш мақсадга мувофиқ: «Термин семантик нуқтаи назардан парадигматик ҳисобланади, яъни ҳар бир терминологияда у ёки бу тушунчалар билан боғланган. Тушунча – термин учун майдон, бу дегани ушбу термин мансуб бўлган тушунчалар тизимидир¹⁸». Бундай ҳолларда спорт термин ва лексемалари қуйидаги ҳолатларда акс этади:

1. **Соҳа ва тур муносабатларида**, масалан: *He shoots, he score. Таржимаси: У отади ва очко олади. Соҳа: «спорт», тур: «ўйин, ўқ отиш», натижа: «очкога эга бўлиш». Dump and chase – strategy by which a team shoots the puck into the attacking zone, then skates in aggressively after it. Соҳа «спорт», тур «ўйин – хоккей», натижа «шайбани рақиб жамоанинг ҳимоя ҳудудига олиб кириш».*

2. **Бутуннинг қисм билан ифодаланиши**, масалан: *billiard-cue – бильярд-кий, billiard-room – бильярд хона, billiard-ball – бильярд шари*. Ушбу спорт термин-лексемаларнинг барчаси бильярднинг тур-жинс муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ. Юқоридаги келтирилган термин-лексемалар асос (ўзак)ларнинг қўшилиши натижасида шаклланган, яъни муайян бир асос (ўзак)га бошқа бир асос (ўзак)нинг таркибий қисми эканлиги билан изоҳланади. Масалан: *billiard – бутун, cue – қисм, billiard-cue* (бильярд кий (таёқчаси)); *billiard – бутун, room – қисм, billiard-room* (бильярд хона, бильярд ўйналадиган жой); *billiard – бутун, ball – копток (шар), billiard-ball* (бильярд шари).

Спорт терминологиясини умумий ва ўзига хос йўсинда тавсифлашга ҳаракат қилар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, спорт терминологияси тизими очик (бошқа соҳалар учун чегараланмаган)лиги сабабли унинг терминоситемаси прогрессив ҳодиса ҳисобланади. Шу билан бирга ҳар бир тилдаги мавжуд сўз бойлигининг кўламини янада кенгайтириб бораверади. Бундай лисоний ҳодисада глобализациянинг ҳамда инсон эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда пайдо бўлаётган спорт ва жисмоний машқларнинг

¹⁸ Палуанова Х.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион семантик принциплари. Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 23

таъсири ҳам беқиёслигини инобатга олиш лозим, албатта. Ваҳоланки, инглиз ва ўзбек тили спорт терминологияси юқоридаги ҳодисаларнинг ички қонунқоидаларига тўлиқ бўйсунди. Шундай экан, ўзбек тили спорт терминологиясининг ривожини нафақат тилнинг ички хусусиятлари таъсирида, балки ўзга тиллардан, айниқса инглиз ва рус тили спорт терминологиясидан ўзлашган бирликлар ҳисобига доимий равишда ривожланади ва бойиб боради.

Инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган спорт терминларини мавзуий жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга ажратиб таснифлаш мумкин:

А) **Спорт турлари ва уларнинг номланиши:** *бадминтон, баскетбол, бейсбол, боулинг, ватерполо (сув полоси), волейбол, гандбол, гольф, дерби, картинг (картлар пойгаси)* ва б.

Б) **Спортчиларнинг номланиши:** *аутсайдер (энг орқада қолган, кейинда бораётган жамоа ёки спортчи), бек (спорт устаси, ҳимоячи (футбол, ҳоккей ўйинида), жокей (пойгачи-чавандоз), лидер, менежер, рекордчи (рекорд қўйган спортчи), рефери (спорт мусобақаларида бош ҳакам), спикер (бокс мусобақасида ҳакамларнинг қарорини эълон қилувчи шахс), спортчи, спринтер (яқин масофага югурувчи/сузувчи)* ва б.

В) **Спорт турларидаги зарбаларнинг номланиши:** 1) тўп билан ўйналадиган спорт ўйинларида: *бекхенд (теннис: ўнг томондан берилган зарба), воллей (волейбол: ҳавода берилган зарба), драйв, матч-бол (теннис: ўйиндаги зарба, агар ўйинчи бутун ўйинда галаба қозониш учун, яъни, битта очкони ютиши керак бўлса), нет-бол (netball: қизлар қатнашадиган спорт туридаги жарима зарбаси), слайс (теннис: қарама-қарши айланиш; гольф: тўпнинг аввал тўғри, кейин кескин ўнгга бурилиб ҳаракатланиши), смеш (теннис: рақиб майдонига йўналтириш учун боши тепасида учаётган тўпга бериладиган зарба); 2) боксда: *апперкот (мушт билан яқин масофадан рақибнинг жағ қисмига настдан йўлланган зарба), джеб (узоқ масофадан тўғрига йўналтирилган зарба), кросс (масофадан қарама-қарши йўналтирилган зарба), крауч (эгилган ҳолатда туриш), свинг (юқоридан йўналтирилган зарба), хук (узоқ ва ўрта масофадан тирсак букилган ҳолда ён тарафдан рақибнинг жағ қисмига берилган зарба)* ва б.*

Г) **Спорт турларида мавжуд усул, вазият ва ҳолатларнинг номланиши:** *аут (спорт ўйинларида: тўпнинг, шайбанинг майдондан ташқари ҳолати); (боксда ҳакамнинг кураш тугаганлиги ҳақидаги ҳитоб сўзи), грогги (бокс: жағ қисмига берилган зарбадан боксчининг бир лаҳзага ўзини йўқотиши), дриблинг (футбол, ҳоккей: рақибни алдаб тўпни (шайбани) рақибнинг ёнидан олиб ўтиб кетмоқ), инфайтинг (бокс: яқин масофадан олиб бориладиган жанг), клинч (бокс: иккала боксчи бир бирининг қўлларини зарбадан сақланиш учун (сиқиб) исканжага олиши), кроссинг (югуриш, пойга ва бошқ. тақиқланган услуб, ҳавфли вазиятни яратиш)* ва б.

Д) **Спорт фаолиятида зарур инвентар (жиҳоз ва анжом)ларнинг номланиши:** *акваланг (сув остида бемалол нафас олиб сузишга имкон берадиган ускуна), бобслей (бир неча ўринли бошқариладиган спорт чанаси), бум (хода, гимнастика снаряди), бутси (футбол пойабзали), карт (кам*

литражли кичик пойгачи автомобиль), **панчингбол** (панчбол номли спорт турининг коптоги) ва б.

Е) Спорт ўйинларида хато ва қоидабузарликларнинг номланиши: **дабл фолт** (теннис: теннисчининг тўп билан кетма кет икки мартаба берган зарбаларининг зое кетиши), **фальстарт** (команда берилмасдан олдин олинган старт), **фол** (баскетбол ва футбол: қоиданинг бузилиши), **фолт** (fault!) (теннис: ҳакам бу терминни тўп сеткага тегса ёки чизиқдан чиқиб кетганда (қоида бузилганда) қўллайди), **фут-фолт** (foot fault) ўйинчи тўпни узатиб бераётганда ўйин чизигини босишига нисбатан қоидабузарлик сифатида ишлатилади), **хендс** (футбол, хоккей: тўпни қўл билан ўйнашдаги қоидабузарлик) ва б.

Ё) Спорт майдончаларининг қисмлари ва махсус чизиқларнинг номланиши: **гол-лайн** (goal line – дарвоза (гол) чизиги), **гол-эриэ** (goal area – дарвоза ҳудуди), **пеналти эриэ** (penalty area – жарима майдони), **точ-лайн; сайд лайн** (touch line; side line – ён чизиги), **хавкорт** (half court – кортнинг узатиш чизигига яқин қисми) ва б.

Ж) Ўйин, мусобақа ва спортчиларнинг жойлашган ўрнига нисбатан номланиши: **корт** (court – теннис майдони), **кемпинг** (camping – автотуристлар учун меҳмонхонали лагерь), **ринг** (ring – бокс майдончаси), **скетинг-ринг** (skating-ring – чанги (коньки) учуш майдони, **трек** (track – пойга ёки кимўзар учун мўлжалланган махсус доирасимон майдонча); **яхтклуб** (кемада эшкак эиши клуби) ва б.

З) Спорт тадбирлари, мусобақалари ва унинг қисм (бўлим)ларининг номланиши: **гейм** (game – теннис: ўйинчилар учун танаффус берилиб натижаларни сарҳисоб қилиш вақт оралиғи), **матч** (match – икки ёки ундан ортиқ спортчи, жамоаларнинг ўзаро мусобақалашуви), **сет** (set – тенниснинг бир партияси), **раунд** (round – боксда: уч минутлик бир қур олишув вақти), **тайм** (time – футбол ва ҳ.: спорт ўйинларининг маълум бир қисми), **хавтайм** (half time – ўйиннинг ярми) ва б.

И) Ҳакамларнинг огоҳлантириши, буйруқ ва чақириқларининг номланиши: “**аут!**”, “**брек!**”, “**райт!**”, “**секанд!**”, “**тайм!**”, “**тайм аут!**”.

Терминларнинг морфологик деривацияси жараёнида микрокатегориал алломорфик хусусиятларини аниқлаш бироз қийинчилик туғдиради. Масалан, инглиз тилида *-er* қўшимчаси *-чи* қўшимчасининг муқобил варианты сифатида олинса-да, *-er* қўшимчасида кўп функционаллик хусусияти мавжуд эмас. Шунинг учун ҳамма вақт ҳам ясама бирликлар таркибида *-er* қўшимчаси *-чи* қўшимчасига мувофиқ келавермайди. *Полочи* – *poloist*; *иштирокчи* – *participant*; *спортчи* – *sportsman* каби терминлар бунга мисол бўла олади.

Диссертациянинг “**Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг лексикографик хусусиятлари**” деб номланган учинчи бобида спорт терминларининг лексикографик тамойиллари, луғат тузишда тезаурус методи, спорт дискурси таржимасида соҳага оид сўзларнинг ўзбек тилида термин сифатида хосланиши чоғиштирма аспектда атрофлича таҳлил қилинган.

Муайян соҳаларга оид терминология ва профессионал тилларнинг тавсифи, тизимлаштирилиши терминшуносликнинг ҳозирги ривожланиш ҳолатидаги асосий тенденцияларга узвий боғлиқ. Терминлар ҳамда терминологик бирликларни инвентаризация қилиш соҳа терминологиясини лингвистик ўрганишнинг якуний ва мантикий натижасидир. Шундай экан, терминлар бўйича ҳар қандай лексикографик иш муайян соҳа терминологиясини тартибга солишда муҳим ва аҳамиятли босқич ҳисобланади. Ўз навбатида, спортга оид таржима луғатларини таҳлил қилишда луғатнинг мақсади ва фойдаланувчисига боғлиқ бўлган концептуал, тематик ва таркибий хилма-хиллик каби масалаларга дуч келаемиз. Шундай экан, спорт соҳасига оид луғатларни тузишда қуйидаги тенденцияларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: 1) спорт ва унинг терминологиясини доимий равишда қайта кўриб чиқиш; 2) макро ва микро даражаларга киритилган сўз бойлиги ва маълумотларни кўпайтириш; 3) луғат билан шуғулланувчи мутахассислар доирасини кенгайтириш; 4) кенг қамровли функцияга эга луғат яратиш. Шу билан бирга, инглизча-ўзбекча спорт луғатларидаги чекланган ва эскирган терминлар тўплами, муайян кўرғазмавий материаллар, айрим терминларнинг расмий ва мазмунли вариантларининг мавжуд эмаслиги каби камчиликларни ҳам бартараф этиш мақсадга мувофиқ. Спорт турлари терминологияси жуда кенг тематик ва концептуал соҳа бўлиб, унинг доирасида қуйидаги лексик ва семантик соҳаларни ажратиш мумкин: 1) спортнинг бир тури, спорт тартиб-интизомлари ва спорт мусобақалари; 2) спорт фаолияти турлари; 3) спортчилар/спортга алоқадор кишилар; 4) жиҳозлар ва элементлар; 5) фаолият жойлари ва шартлари, ҳудуд ва чегаралари; 6) буйруқлар ва сигналлар; 7) машқ элементлари ва жисмоний ҳолат; 8) ҳакамлик қилиш; 9) спорт бирлашмалари. Ушбу концептуал майдонлар ўзига хос «хилма-хилликни»ни ҳосил қилади, унинг қисмлари лексик жиҳатдан тўлдирилиши ва лексикографик жиҳатдан тўғри тавсифланиши керак. Шундай қилиб, спорт соҳасига оид таржима луғатини тузиш прагматик, тематик-концептуал, лингвистик ва экстралингвистик мезонларга ва тамойилларга асосланади.

Терминологик тизимнинг лексик-семантик хусусиятларини чуқурроқ тавсифлаш учун **тезаурус методи** (тезаурус луғатлар тузиш методи)дан фойдаланишимиз лозим.

Тезаурус (мафкуравий, идеографик, концептуал луғат)нинг изоҳли луғатдан асосий фарқи шундаки, изоҳли луғатларда сўзлар алфавит тартибида жойлашган бўлади ва сўзнинг маъноси таъриф шаклида берилган бўлса, идеографик луғат-тезаурусда семантик, мазмунли категориялар мавжуд бўлиб, улар муайян мезон ва таснифлар асосида жойлашган бўлади ва натижада сўзлар ушбу мазмунли категорияни ифодалаб келади.

Битта сўз тезауруснинг бир нечта семантик категорияларига киритилиши мумкин, чунки у бир нечта умумий маънога эга бўлиши, сўзнинг умумий маъноларидан бирида у бир нечта концептуал соҳалар билан узвий боғланиши мумкин. Масалан, *Court* сўзи *ҳуқуқшунослик / адолатнинг*

юксалиши билан боғлиқ бўлган сўзлар синфига киритилса, бошқа томондан, *Court* сўзи *спорт* тушунчаси билан боғлиқ сўзлар синфига киритилган.

Масалан: **Court-2.** (*instrument for administering justice*) *tribunal, bench, magistrate, bar, session. Types of courts include the following – the Supreme Court of the United States, appellate court of the United States, Federal Court, State Supreme Court, district court, county court, justice’s court, magistrate’s court, mayor’s court, police court. Таржимаси:* (адолатни қарор топтириш учун восита) *суд, скамейка, магистратура, бар, сессия. Судларнинг турларига қуйидагилар киради: Америка Қўшма Штатлари Олий суди, Америка Қўшма Штатлари апелляция суди, Федерал суд, штатлар олий суди, округ суди, туман суди, адлия суди, магистратура суди, мер суди, полиция суди.*

Court-4. (*an area for playing certain games*) *arena, rink, ring, diamond, track, course, racecourse, golf course, race tracks, stadium*¹⁹. **Таржимаси:** (маълум бир ўйинларни ўйнаш учун майдон) *арена, ринк, ринг, майдон, трек, югуриш, гольф майдони, пойга майдончалари, стадион.*

Юқоридаги таърифлардан хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир сўзни тезаурус таркибига кирадиган маълум синфлар тўпламидан фойдаланиб тавсифлаш тўғри бўлади. Дунё ва илмий соҳанинг тезауруслари ўртасида маълум бир тил эмас, балки илмий соҳадаги билимларнинг структураси мавжуд бўлади (махсус танланган ёки махсус яратилган вазиятларнинг умумийлигида акс эттирилган дунёқарашнинг ўзига хос кўриниши)²⁰.

Спорт лексикаси деганда инсондан ҳам жисмоний, ҳам руҳий қувват ва куч талаб қиладиган, инсонда касбий ва рекреатив фаолиятни мужассамлаштирадиган фаолиятни акс эттирувчи *лугат қатлами* тушунилади. Ўз навбатида, **умумий спорт лексикаси** деганда эса, биз илмий бўлмаган тушунчаларга асосланган, тилда ифода қилинадиган, «ўрта ижтимоий қатлам сўзлашувчилари»га хос бўлган, спорт тушунчасини акс эттирувчи, дунё (олам)нинг лисоний манзарасига тегишли бўлган муайян лексик қатламни тушунишимиз лозим.

Шундай қилиб, спорт лексик тезаурусидида концептуал муносабатни белгилайдиган бош сўз «*Sport / спорт*» лексик бирлиги десак, муболаға бўлмайди. Ушбу бош бирлик билан ассоциатив алоқалар барча спорт лексик бирликларини 14 тематик гуруҳга (ТГ) ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. **Камондан отиш ва ўқ узиш** – *Archery and Shooting*.
2. **Велоспорт ва мотоспорт** – *Cycle Racing and Motorsports*.
3. **От спорти** – *Equestrian Sports*.
4. **Қиличбозлик** – *Fencing*.
5. **Балиқ овлаш спорти** – *Fishing Sport*.
6. **Ўйинлар** – *Games (Olympic games)*.
7. **Ҳавода сузиш ва ҳаво спорти** – *Gliding and Aerial Sport*.
8. **Гимнастика** – *Gymnastics*.
9. **Ов қилиш спорти** – *Hunting Sport*.
10. **Альпинизм** – *Mountaineering*.
11. **Енгил атлетика бўйича тадбирлар / атлетика** – *Track-and Field Events / Athletics*.
12. **Сув спорти** –

¹⁹ Webster’s New World Thesaurus / Edited by Charlton Laird. – New York: New American Library, 1975. – 678 p.

²⁰ Никитина С.Е. Семантический анализ языка науки. - М.: Наука, 1987. – 135 с.

Water Sports. 13. Оғир атлетика ва жанговар спорт турлари – Weightlifting and Combat Sports. 14. Қишки спорт турлари – Winter Sports.

Бошқа соҳа терминологиясида кузатилгани каби спорт терминлари семантик структурасида ҳам синонимия ҳодисаси учраши кузатилди. Тадқиқот жараёнида инглиз тили спорт терминологиясида ҳам синонимия ҳодисаси мавжуд эканлиги аниқланди. Инглизча спорт терминларни таҳлил этганимизда 876 та термин синонимлик хусусиятига эга эканлиги маълум бўлди. Спорт терминларининг умумий сонидан 8,43 фоизи синонимик қаторни ҳосил қилади. Умумий ҳолда 348 та синонимик қатор аниқланди ва бу ҳолат спорт терминологиясида синонимия кенг тарқалганлигини тасдиқлади.

Ўзбек ва инглиз тили спорт терминологиясида синонимлар қуйидагича таҳлил этилди: 1) соҳалараро ёки соҳа ичидаги синонимлар; 2) синонимик қатордаги терминларнинг сони; 3) синонимик қаторлардаги терминларнинг структураси; 4) синонимик қаторларнинг пайдо бўлиш сабаблари; 5) мутлақ синонимлар ёки нисбий синонимлар (дублетлар). Таҳлиллар натижасида синонимик қаторлардаги термин ҳамда лексемаларнинг сони иккитадан бештагача бўлиб, улардан кенг тарқалгани икки компонентли терминдан иборат синонимик қаторлар эканлиги аниқланди. Масалан: *sword = rapier – шамиш, қилич; athlete = sportsman – спортчи, атлет; sweat suit = training suit – машқ костюми; step sideward = lateral step – ёнга қадам ташлаш; smash = spike – ҳужум зарбаси*. Ўзбек тили спорт терминологиясида икки терминдан иборат синонимик қаторга *дуэл = яккама-якка беллашув, элемент = компонент, пенаълти = жарима зарбаси* каби терминларни киритиш мумкин. Шунингдек, ушбу терминологик бирликларнинг зид муносабатдаги маъноларини аниқлаш мақсадида уларнинг антонимик қаторига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ.

Инглиз ва ўзбек тилларида спорт соҳасига оид ўзаро антонимик муносабатда бўлувчи терминлар ва терминологик лексемалар қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: 1) бири иккинчисини инкор этади (семантик жиҳатдан ўзаро зид муносабат ҳосил қилади); 2) қарама-қарши тушунчаларни ифодалаш орқали лексик бирлик маънолари бири иккинчисини истисно этади. Таҳлилга тортилган термин-бирикмалар орасидаги антонимик муносабат контекстуал антонимияга тенг эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан: *initial speed – fire (last) speed; бошланғич тезлик – якуний тезлик; offensive zone – defensive zone; ҳужум зонаси – ҳимоя зонаси; variable motion – invariable motion; ўзгарувчан ҳаракат – ўзгармас ҳаракат; active wrestling – inactive wrestling; фаол кураш (жанг) – нофаол жанг; outdoor swimming pool – indoor swimming pool; очиқ сузиш ҳавзаси – ёпиқ сузиш ҳавзаси; enter – exit; кириш – чиқиш* ва б.

Хулоса қилиб айтганда, антонимлар ифода жиҳатидан ҳар хил, яъни бошқа-бошқа лексемалардан иборат бўлади. Спорт соҳаси терминлари орасида лексик антонимия жуда кам миқдорда учрайди. Мавжуд спорт терминларидаги антонимия муносабати эса, асосан, контекстуал ва грамматик антонимлардан иборат деган хулосага келинди.

ХУЛОСА

1. Матнларнинг ўзгариши таркибий, мазмунли, стилистик, тематик, шунингдек коммуникатив характерга эга бўлиб, муайян соҳа терминологиясида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, илмий, техник ёки расмий-идоравий мазмундаги матн таркибий қисми аксарият ҳолларда махсус (соҳавий) лексика туфайли намоён бўлади ва махсус матнларнинг макроструктурасини ташкил қилади.

2. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида янги тармоқларнинг вужудга келиши янги терминологик тизимлар шаклланишига олиб келади. Бу эса мутлақ синоним-терминларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлиб, терминологияни тадқиқ қилиш ва тартибга солишни мураккаблаштиради. Ҳар бир махсус фан соҳаси турли хил термин ва лексик бирликлар билан уйғун шаклда фаолият олиб боришини ҳисобга олиб, терминларнинг тизимли комбинацияси ўз навбатида ушбу концептуал соҳа терминологиясини ташкил этишини инобатга олиш зарур.

3. Дунё тилларида спорт соҳасига оид терминологик тизим муайян лисоний қонуниятлар асосида қурилади. Ушбу жараён барча тилларнинг деривацион қонуниятлари, имконият ва ресурсларининг хилма-хиллиги билан изоҳланади. Инглиз ва ўзбек тиллари спорт соҳаси терминологияси таркибининг ички ва ташқи омиллар ҳисобига бойиши ҳар икки тилда тенг содир бўлиши кузатилади. Қиёсланаётган тиллардаги мавжуд спорт лексик бирликларини бевосита қиёслаш орқали сўз яшашнинг сермахсул ва каммахсул усуллари, уларнинг интеграл ва дифференциал хусусиятлари аниқланади.

4. Ҳозирги кунда илм-фан ва техникага оид тушунчалар тобора кўпайиб бормоқда. Бинобарин, спорт терминологиясида ҳам номлаш (номинация) шундай долзарб жараёнлардан бири ҳисобланади. Спортга оид лексик бирликларнинг спорт турларига тегишлилик тамойилларига кўра *барча спорт турлари учун умумий бўлган умумий спорт лексикаси; бир нечта спорт турлари учун умумий бўлган терминлар; фақат бир спорт турига тегишли терминлар* каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

5. Спорт терминлари иштирокидаги матнларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда лексик бирлик ёки терминларни сўзма-сўз таржима қилиш усулидан фарқли равишда, уларнинг муқобилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, муқобил шакл муайян тушунмовчиликларни келтириб чиқарса, ушбу терминларга изоҳ бериш лозимдир.

6. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминлари асосан от, сифат, сон ва феъл сўз туркумларидан ташкил топган. Уларнинг аксарият қисми полисемантик хусусиятга эга бўлиб, спорт соҳасидан бошқа фаолият соҳаларида ҳам фаол қўлланилади.

7. Спорт лексикасининг таркиби жуда хилма-хилдир. Бу, биринчидан, *умумий истеъмолдаги лексика* (барча тил соҳибларига тушунарли ва улар

томонидан кундалик ҳаётда фаол қўлланилади), иккинчидан, *профессионал (соҳавий) терминология*, учинчидан, *фақат ушбу спорт билан шуғулланадиган одамларнинг тор доирасига тушунарли бўлган жаргон сўзлар ва иборалардир*.

8. Инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган спорт терминлари мавзуий жиҳатдан спорт турлари, спортчилар, зарбалар, усул, вазият ва ҳолатлар, инвентарь (жиҳоз ва анжом)лар, қоидабузарликлар, майдоннинг қисмлари, мусобақа бўлимлари, ҳакамлар буйруқ ва чақириқларининг номланишига кўра турли гуруҳларга бўлинади, уларнинг асосий улушини тўп билан ўйналадиган спорт турларига боғлиқ бўлган лексик бирликлар ташкил қилади.

9. Идеографик луғат-тезаурусларда терминларнинг семантик, мавзули категориялар бўйича муайян таснифи асосида жойлашувини ҳисобга олган ҳолда спорт соҳаси терминологик тизимининг лексик-семантик хусусияларини кўрсатишда тезаурус методи (тезаурус-луғатлар тузиш)дан фойдаланиш ушбу соҳа терминологик тизимини илмий-назарий жиҳатдан асослашга хизмат қилади.

10. Инглиз ва ўзбек тиллари спорт дискурсида эмоционаллик категориясини ифодалашнинг асосий воситаси сифатида спорт соҳаси эмотив (хиссий) лексикаси эмотив-номинатив, эмотив-ассоциатив, эмотив-экспрессив каби гуруҳларга бўлинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

АЯКУЛОВ НУРБЕК АБДУГАППАР УГЛИ

**СРАВНИТЕЛЬНО-ТИПОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ
СПОРТИВНЫХ ТЕРМИНОВ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ
ЯЗЫКАХ**

10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и переводоведение

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Fil727.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.uzswlu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Ахмедов Ойбек Сапорбаевич
доктор филологических наук, доцент

Официальные оппоненты: Тухтасинов Илхом Мадаминович
доктор педагогических наук, профессор
Саримсоков Хуршид Абдималикович
доктор философии (PhD) по филологическим наукам


Ведущая организация: Джизакский государственный педагогический институт


Защита диссертации состоится «18» июня 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc. 03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 по присуждению ученых степеней при Узбекском государственном университете мировых языков (Адрес: 100138, г. Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка, дом 21А. Тел.: (99871)230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована за № 8). Адрес: 100138, город Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка, дом 21А. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92).

Автореферат диссертации разослан «5» июня 2021 года.
(протокол реестра рассылки № 8 от «5» июня 2021 года).




Г. Х. Бакиева
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор


Х. Б. Самигова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.н., доцент


Ж. А. Якубов
Председатель Научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях сегодняшней мировой пандемии развитие различных видов спорта стало реальной потребностью мирового сообщества. В результате спортивная терминология, имеющая характер национального языка в каждой стране, подвергается дальнейшему совершенствованию и обогащению за счет введения в употребление международных терминов. Вышеперечисленные факторы привели к необходимости углубленного изучения спортивной терминологии с лингвистической точки зрения, систематизации и упорядочения терминов и лексических единиц. Однако взаимозависимость языка и общества, их динамические и непрерывные изменения, а также широкое использование новых терминов и лексем в этой области требуют постоянных и последовательных исследований по этому вопросу.

Сравнительно-типологический анализ спортивных терминов и лексем в мировой лингвистике, в частности в английском и узбекском языках, позволяет выявить социальные факторы, влияющие на развитие этих языков, а также различия и сходства между терминологией двух языков. Многие учебные заведения и исследовательские центры мира, в том числе Русская школа лингвистических жанров, Австралийская школа системно-функциональной лингвистики, Департамент прикладной лингвистики/английского языка для конкретных целей Великобритании и Мичиганский институт лингвистики в США проводят исследования в области спортивной терминологии. Это, в свою очередь, требует поиска подходящих решений таких вопросов, как систематизация (оптимизация), правильный перевод многослойных лексем спортивной терминологии.

В последние годы в нашей стране уделяется особое внимание совершенствованию системы изучения иностранных языков, интеграции науки и образования с практикой, сравнительному изучению исторической основы языковых особенностей узбекских спортивных терминов, отражающих духовные ценности нашего народа. Учитывая необходимость «... стимулирования научных исследований и инновации, создания эффективного механизма внедрения научных и инновационных достижений¹» на основе принципов развития, на сегодняшний день важным является обучение разносистемным языкам на основе лингвистических критериев профессиональных терминов в иностранных языках.

Данное диссертационное исследование в определенной мере способствует реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5368 «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в области физической культуры и спорта» от 5 марта 2018 года, Постановления

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

Президента Республики Узбекистан № ПП-3031 «О мерах по дальнейшему развитию физической культуры и массового спорта» от 3 июня 2017 года, постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 542 «О мерах по организации спортивных клубов при государственных образовательных учреждениях» от 16 июля 2019 года, № 454 «О мерах по созданию единой информационной системы «физическая культура и спорт» от 3 июня 2019 года, а также других нормативно-правовых документах, направленных на развитие профессиональной деятельности и качественного образования, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: I. «Способы формирования и реализации системы инновационных идей по социальному, правовому, экономическому, духовно-нравственному и культурному развитию информационного общества демократического государства».

Степень изученности проблемы. В мировой лингвистике было проведено ряд исследовательских работ в области спортивной терминологии такими зарубежными учеными, как В.Д. Швайко, Р.В. Попов, М.А. Аднан, Р. В. Вайнз, Е.И. Гуреева, М. Мешч, П. Вайт, З. Мирзоев² и узбекскими учеными как Ю.С. Шоломицкий, Р. Исмоилов, М. Норкин, Х.Т. Рафиев, М.Х. Бобоёров, З.А. Абдуллаева, Х.А. Саримсаков и др.³

Теоретические взгляды и законы терминологии в языкознании получили дальнейшее развитие в работах ученых, таких как Д.С. Лотте, Г.О. Винокур, А.А. Реформатский, Е.Д. Поливанов, Р.А. Будагов, Н.Н. Амосова, А.Д. Хаютин, Х. Сонневельд, и нашими исследователями Р. Дониёров, О.С. Ахмедов, Х.Д. Палуанова, Д.Х. Кадирбекова⁴. Хотя в этой области было

² Швайко В.Д. Лингвостилистические особенности фразеологических единиц образованных от сверхсловных спортивных терминов и профессионализмов (на материале современного английского языка). Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1984. – 290 с.; Попов Р.В. Русская спортивная терминология: На материале баскетбольной терминосистемы. Дисс. ... канд. филол. наук – Северодвинск, 2003. – 168 с.; Аднан М.А. Языковые новации и речевые изменения в русской спортивной лингвокультуре XXI века. Дисс. ... канд. филол. наук – Курск, 2013.; White P. Chambers Sport Factfinder. – Edinburgh: Chambers. – 2005. – P. 786.; Мирзоев З. Спортивные термины в таджикском и английском языках. Дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2005. – 210 с.; Гуреева Е.И. Спортивная терминология в лингвокогнитивном аспекте. Дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2007. – 176 с.; Mesz M. Lexicological view of the language of the sport commentaries. – Českě Budyě jovice. 2014. – P.144.; Wines R.W. Sporting Frenchness: Nationality, Race, and Gender at Play. A dissertation for the degree of PhD. – Michigan University, 2010. – P. 223.

³ Шоломицкий Ю.С. Физическая культура и спорт в советской Средней Азии и сопредельных странах востока. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1972. – 25 с.; Исмоилов Р., Норкин М. Русча ва ўзбекча спорт-физкультура терминлари изоҳли луғати. – Тошкент, 1961. – 95 б.; Рафиев Х.Т. Некоторые вопросы преподавания физической культуры в Узбекских школах. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. – 25 с.; Бобоёров М.Х. Мустақиллик даври спорт атамаларининг шаклланиши: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2009. – 22 б.; Саримсоков Х.А. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиштирма таджикчи. Филол. фан. д-ри. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 48 б.

⁴ Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии / Татаринов В.А. История отечественного терминоведения. Т. I. Классики терминоведения. Очерк и хрестоматия. – М.: Московский лицей, 1994. – С. 218-284; Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. – Ташкент, 1934. – 182 с.; Реформатский А.А. Мысли о терминологии // Современные проблемы русской терминологии. – М., 1976. – С. 56-275.; Будагов Р.А. Человек и его язык.

проведено много исследований, до сих пор остаются нерешенными вопросы, которые ожидают своего решения, что предусматривает новые подходы в исследовании проблем терминологии. В частности, исследованиям В.Д. Швайко характерно изучение фразеологизмов английского языка в области спорта, Р.В. Вайнц рассматривает лингвостатистику и семантические свойства французских единиц в английской спортивной лексике.

